

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 18 июнь, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (11.177)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Термиз давлат университети қошида «Бунёдкор-2008» талаба-ёшлар меҳнат отряди ташкил қилинди. Мазкур отряд аъзолари ёзги таътил кунлари Термиз шаҳрида ёш оилалар учун мўлжалланган иккита кўп қаватли турар жой биноси ва академик лицей қурилишида қатнашадилар.
●Жиззах политехника институтидида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда уюштирилган ярмаркада 63 та корхона, ташкилот ва муассаса олий ўқув юртини таъминлаётган ёш мутахассисларга 476 та бўш иш ўринларини таклиф этди. Шу кун 382 нафар битирувчи ишга жойлашди.
●Самарқанд шаҳрида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг минтақавий саралаш мусобақаси яқунланди. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳамда «InfoCOM.UZ» журнали ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Самарқанд ва Жиззах вилоятларидан 300 га яқин компьютер билимдони иштирок этди.
●Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театрида «Ниҳол» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман босқичларидан саралаб олинган 50 нафар истеъдодли йигит-қиз ўз маҳоратини намойиш этди.
●Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ёшлар ахборот марказида Янгийўл шаҳридаги Болалар ижтимоий-хуқуқий маркази катнашқилирининг ижодига бағишланган кўргазма бўлиб ўтмоқда. Кўргазмада тасвирий санъатга ихлоси баланд ўғил-қизларнинг эллика яқин ижодий иши намойиш этилмоқда.
●Учқўрғон туманидаги Янгибод педагогика коллежида белбоғли кураш бўйича «Маҳаллаамиз паҳлавонлари» мусобақаси ўтказилди.
●Жорий йилда Фарғона вилоятининг Фурқат туманида 2 минг 500дан ортқ янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган. Йил бошидан буён корхоналар фаолиятини кенгайтирилиши ҳисобига 628 та иш ўринлари очилди. Натжидада 307 та хотин-қизлар ишга жойлаштирилди.
●Марғилон шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими ва ҳомийлар ташаббуси билан «Шодийна» тантаналар мажмуида кўп боали ва кам таъминланган оилаларнинг 37 нафар фарзандига суннат тўйи ўтказилди.
●Самарқанддаги «Элҳодинг» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмасида 30 турдаги ўқув-лаборатория жиҳозларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу экспорт ҳажмининг янада ошшишига хизмат қилмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ
Дар
Кўни
Янгиликлар, воқеалар

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ
2007 йилда Мамлакатни
Ижтимоий-иқтисодий
Ривожлантириш
Яқунлари ва 2008 йилда
Иқтисодий



ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЎТГАН ЙИЛ ДАВОМИДА ИҚТИСОДИЙТИМИЗГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ УМУМИЙ ҲАЖМИ 23 ФОИЗГА ОРТИБ ВА 4,3 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ЗИЁД МИҚДОРДАГИ МАБЛАҒНИ ТАШКИЛ ЭТГАНЛИГИ, БУ ЎТГАН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЭРИШИЛГАН ЭНГ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧ ЭКАНЛИГИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИЛДИ.

Саноат

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажмида чет эл инвестициялари салмоқли ўрин эгаллашини ҳам айтиш лозим. Хорижий сармояларни жалб этган ҳолда амалга оширилган лойиҳалар, ташкил этилган кўшма ва хорижий корхоналар юртимизда чет эллик сармоядорларга яратилган қулай шарт-шароитлар боис ҳам яқин самара бермоқда.
Ана шундай корхоналардан бири қардош давлат— Туркиянинг «ALKIM TEKSTIL» компанияси билан ҳамкорликда пойтахтимизда 2004 йилда ташкил топган ва айни кунларда муваффақият билан фаолият кўрсатаётган «Аким текстиль» масъулияти чекланган жамиятидир. Корхонада бугунги кунга келиб ишчи-хизматчилар сафи 600 нафарга етди ва улар учун яқин меҳнат ва қулай дам олиш шароитлари мавжудлиги иш унумдорлиги ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатида муҳим ҳисса бўлмоқда.
— Корхонамизда асосан маҳаллий хом ашё — ўзбек пахтасидан бола-лар кийим-кечаклари, трикотаж матолар ишлаб чиқарилади, — дейди корхона раҳбари Вадед Заим. —Энг аввало, тайёрланаётган маҳсулотларимиз сифатига жуда катта эътибор қаратамизки, бу экспортни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Тоza пахтадан тикилаётган болаларнинг либослари қулайлиги, ҳушбичимлиги, юксак дизайн билан ажралади туради. Бу борада модельер-дизайнерларимизнинг изланишларини алоҳида таъкидлашим керак. Шунингдек, сифатли маҳсулотлар тайёрлаш йўлидаги изланишларимизда, эркин фаолият юрйтишимизда бизга — яъни хорижий

инвесторларга Ўзбекистонда яратилган қулай муҳит, яқин шарт-шароитлар, ҳуқуқларимиз ҳимоясига қаратилган эътибор муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида сай-ҳаракатларимиз йил сайин самара бермоқда. Ўтган йилда 8 миллион АҚШ доллари

қўйилган бўлиб, бу маҳаллий тадбиркорларга ниҳоятда қўл келади.

Шуни айтиш жоизки, жамоа ишбилармонлари мамлакатимиздаги 400 дан ортқ цех ва пудрат асосидаги кичик корхоналар билан ҳамкорлик қилади. Қўлаб тадбиркорлар сифатли трикотаж кийим-кечаклари ишлаб чиқаришда корхонада тайёрланаётган ранг-баранг матолардан самарали фойдаланишмоқда. Корхонада фаолият йўлга қўйилган амалий таълим курсларида малакали ишчилар тайёрлашга эътибор қаратилган.

Хорижий дастгоҳ ва машиналар қўвватидан фойдаланиб цехларда кунига 8-10 тонна газламини буюш, 5 тоннага яқин мато тўқиш, 3 тонна матога гул солиш ҳамда 15 тонна тайёр маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуддир. Энг асосийси, корхона маҳсулотларининг 90 фоиздан зиёди экспортга чиқарилмоқда. Германия, Болгария, Нидерландия, Австрия, Туркия ва Россия давлатларига ўз товарларини экспорт қилаётган

тадбиркорлар бозорини ўрганиш асосида ишлаб чиқаришни кенгайтиришни кўзда тутишган. Бунинг натижасида эса Ёшлар йилида маҳаллий йигит-қизлар иш билан таъминланади. Уларнинг изланишлари ҳамда меҳнат маҳорати билан тайёрланган сифатли товарлардан буюртмачилар, шубҳасиз мамнун бўлишади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: замонавий дастгоҳ ва ускуналарни моҳирлик билан бошқараётган ёшлар тайёрланаётган кийим-кечак ва матолар сифатини таъминлашмоқда.

Козим Ўлмасов олган суратлар

Кечас

●КЕЧА «Dedeman silk Road» меҳмонхонасида «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси» мавзусидаги халқаро семинар бошланди.
●КЕЧА шахримизда «Ати» халқаро компанияси кўргазмаси ташкил этилди.
●КЕЧА Тошкент Давлат юридик институтидида битирувчи талабаларга дипломлар топширилди.
●КЕЧА Республика Инсон ҳуқуқлари Миллий марказида ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланди.
●КЕЧА Республика Саломатлик ва табибиёт статистикаси институтиди ҳамда «Ёшлик» талабалар шахарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорликларида ёшлар иштирокида уюштирилган тадбир «Ёшлар—гиёвандликка қарши» деб номланди.
●АЛИШЕР Навоий номли Давлат Катта академик опера ва балет театрида миллий кўшиқчилигимизни тарғиб этиш мақсадида «Барҳаёт анъаналар» мавзусида адабий кеча ўтказилди.
●РЕСПУБЛИКА Олий суди, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази ҳамкорликларида КЕЧА уюштирилган тадбир «Одил судлов—инсон ҳуқуқларининг кафолати» деб номланди.
●КЕЧА «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ташаббуси билан Саҳроланиш ва қургоччиликка қарши кураш кўнига бағишлаб ўтказилган тадбирда табиатшунослар, эколог олимлар иштирок эттиди.
●ШАҲРИМИЗДА «Энг яқин ФҲДЭ ходими» кўрик-танлови яқиний босқичи голиблари тақдирланди.
●ГЕМАТОЛОГИЯ ва қон қуйиш илмий-текшириш институтидида ўтказилган «Қон —инсонлар хизматида» «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.
●РЕСПУБЛИКА техник спорт турлари марказида ўқ отиш бўйича ташкил-лаштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари яқунланди.
(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

БЕЛГИЯНИНГ КОРТРЕЙК ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САРМОЈВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. АЙТИШ ЖОИЗКИ, КОРТРЕЙК БИЛАН ТОШКЕНТ ЎРТАСИДА ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИ ЎРНАТИЛГАН БЎЛИБ, 2000 ЙИЛДА БУ ЕРДА БУЮК БОБОКАЛОНИМИЗ АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАЙКАЛИ ОЧИЛГАН ЭДИ.

Юртимизнинг Белгиядаги элчихонаси, Фарбий Фландрия савдо-саноат палатаси ҳамда Кортрейк мэриги ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувда Фландрия минтақаси ишбилармонлари, олим ва экспертлари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан бир қаторда Белгиянинг қатор фирма ва компаниялари, тармоқ ушумалари ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

Тақдимот давомида белгияликлар эътиборига мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, хорижий тадбиркорлар ва сармоядорлар фаолияти учун яратилган шарт-шароитлар, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳақидаги ахборотлар ҳавола этилди. Иштирокчилар Ўзбекистон Белгия жамоатчилиги ва ишбилармонлари орасида юксак иқтисодий салоҳиятга эга бўлган ва ҳар томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун жозибали мамлакат сифатида танилганини таъкидладилар.

Фарбий Фландрия савдо-саноат палатаси раиси Ж.Либер бу хусусда гапирди, Белгиянинг қатор ишбилармонлари ўзбекистонлик шериклар билан самарали ҳамкорлик қилаётгани, кўплаб бошқа компаниялар эса Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларини ўрнатилиши режалаштираётганини қайд этди. Тадбир давомида Белгия компаниялари вакиллари ўзбекистонлик ҳамкас-

лари билан алоқаларини янада фаоллаштириш борасидаги режалари билан ўртоқлашди.
Жумладан, тўқимачилик жиҳозларини етказиб бериш билан шуғулланувчи «Van De Wiele» компанияси менежери Люк Коенграхтнинг айтишича, унинг компанияси юртимизда бир неча йилдан буён фаолият юритиб келаётган бўлиб, республикада хорижий бизнес вакиллари учун яратилган шарт-шароит ва қулай сармоявий муҳитдан мамнун.
— Айни пайтда компаниямиз Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларидаги корхоналарга тўқимачилик жиҳозлари етказиб бериш ҳажмларини оширишни режалаштирмоқда, — деди Л.Коенграхт.
«Rhenus Logistics» компанияси бошқарувчиси Вил Фермой Ўзбекистонда тараққий этган саноат тизимиса, бой табиий захиралар ҳамда юқори малакали ишчи кучлари мавжудлиги Белгия компанияларини мамлакатимизга жалб этишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.
Тақдимот сўнгида Ўзбекистон ва Фарбий Фландрия савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Азим МУҲАМЕДЖОНОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Брюссель.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 1 МАЙДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР КЎЛАМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ. ЮРТИМИЗДА УШБУ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЎПЛАБ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗДА ЎТГАН «ХАБЕАС КОРПУС» ОДИЛ СУДЛОВ СОҲАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ҲАМ УШБУ САНАГА БАҒИШЛАНДИ.

Фармон ва ижро

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фридрих Эберт ва Конрад Аденауэр жамғармалари (Германия) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар уюшмаси ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, адлия вазири ўринбосари Х.Исоқов, Олий суд раиси ўринбосари О.Исмоилов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва бошқалар мустақиллигимизнинг

дастлабки кунлариданоқ инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эълон қилинган ва ўтган йиллар давомида бу борада салмоқли натижаларга эришилганини алоҳида таъкидладилар.
Анжуманда Фридрих Эберт жамғармасининг Марказий Осие бўйича минтақавий валакатонаси раҳбари В.Лапинс ва Германиянинг Гамбург шаҳри маъмурий суди судьяси К.Хернекамп хабеас корпус институтини ва унинг инсон ҳуқуқлари муҳофазасидаги ўрни ҳамда бу борадаги халқаро тажриба хусусида маъруза қилди.
Юртимизда қамоққа олишга санкция бериш судлар томонидан амалга оширилаётгани инсонпарварлик тамой-

илларига ҳамохан бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа кўплаб принциплари ва меърилари ҳам Ўзбекистон конунчилигида муваффақиятли имплементация қилинаётганининг яққол тасдиғидир.

Анжуманда мамлакатимизда мазкур институт амалиётда самарали қўлланилаётгани ва фуқаролар манфаатига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асосий жинсий табиқ ва хусусий ҳаётга арилишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳофазасига бўлган ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашга қаратилган механизмларни янада тақомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.
Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎА мухбири

ЖАҲОНДА

●Кеча Голландия, Бельгия ва Люксембург Бенилюкс Иттифоқи юзасидан янги шартномани имзолади.
●Кеча Исроил ва Фаластин ўртасида ўзаро ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битим имзоланди. Қизиги шундаки, бундан бир неча соат олдин Исроил ҳарбийларининг Газо секторида ҳаво орқали берган зарбалари натижасида олти киши ҳаётдан қўз юмди.
●Испания қироли Хуан Карлос Россия Федерациясига таширф буюрмоқда.
●Греция парламенти Лиссабон шартномаси бўйича референдум ўтказишдан бош тортиди.
●АҚШ Литва билан ушбу мамлакатга ракетага қарши мудофаа тизимини ўрнатиш юзасидан музокаралар олиб боради.
●Кеча Панама ва Коста-Рикада Рихтер шкаласи бўйича 5,8 ва 5,3 балли зилзилалар содир бўлди. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар тўғрисида маълумот йўқ.
●БМТ ОИВ-ОИТС дастурининг ижрочи директори Питер Пиот 13 йиллик фаолиятдан кейин истеъфога чиқишини маълум қилди.
●Мексиканинг Мехикали шаҳрида Германиянинг «Тью-Селлс» компанияси томонидан Куёш батареяларининг ячейкасини ишлаб чиқаришга ихтисослашган дунёдаги энг йирик завод қурилади. Заводда беш мингга яқин иш ўринларини яратиш режалаштирилган.
●Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида кўп-қундузи музейдан машҳур мусаввир Пелло Пикассонинг иккита асари ўғирлаб кетилди. Ўғирланган суратларнинг қиймати 500 минг доллардан ортқлиги айтилмоқда. Ушбу ўғирликни утча жиноятчи музей ходимларининг эътиборсизликлари оқибатида амалга оширилганлиги маълум бўлди.
●Японияда операция столида жарроҳнинг ўрнини босувчи «DaVinci» роботи ихтиро қилинди. Унинг ҳаракатлари жуда майда предметлар билан аниқ ишларни амалга оширишга мўлжалланган. Келгусида бундай қурилмаларнинг айрим жарроҳлик амалиётларини бажариш чоғида инсоннинг ўрнини босиши кўзда тутилмоқда.
●Америкалик олимлар Антарктидада бундан тахминан 245 миллион йил аввал истиқомат қилган жонивор уясини топди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, уларнинг ҳозиргача сақланиб қолишига уларнинг ичига майда қум тўлиб қолгани сабаб бўлган. Топилмалар орасидаги энг катта «ғор»нинг узунлиги 36, кенлиги 15, чуқурлиги 8 сантиметр. Тошга айланган уялар деворида ҳайвон тирноқларининг изи бор.

ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

«НИХОЛ» ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА МУҲИМ ЎРНИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ, ЎЗИНИНГ ЭСТРАДА, МУСИҚА, МУМТОЗ ҚЎШИҚ, РАҚС ВА ОПЕРА САЪНАТИ ИЖРОЧИЛИГИ СОҲАСИДАГИ МАҲОРАТИ БИЛАН ОДАМЛАРНИНГ ЮРАГИГА ЕТИБ БОРАДИГАН, ЁШЛАРНИ ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИГАН, УЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИРСОНЛАР ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН АСАРЛАР ЯРАТИШДА ФАОЛЛИК КЎРСАТАЁТГАН 17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИДИР.

Куни кеча Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ушбу кўриктанловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. —Бу кўрик-танлов бизга энг иқтидорли, изланувчан ёшларни саралаб олишимизда яқиндан ёрдам беради, — дейди 2008 йил «Нихол» мукофоти тadbирларини Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича ижодий кўмаклашув гуруҳи раиси Дилором Омонуллаева. —Мамлакатимизда ёшларнинг санъат соҳасида олиб бораётган изланишларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида турли хил танловлар, фестиваллар, ташкил қилинган. Ҳар бир танлов албатта ўз юлдузларини кашф қилади. Бугунги тadbирда танловнинг туман босқичидан сараланиб олинганлар, яъни энг иқтидорлилар иштирок этмоқдалар. Уларнинг ҳар бирини голиб деб аташ мумкин. Чунки шаҳар босқичига чиқишнинг ўзи катта

маҳорат ва иқтидорни талаб этади. Иштирокчилар ичидан энг истеъдодлиларини бугун аниқлаб оламиз ва республика босқичида қатнашиш учун йўлланма берамиз. Аммо мен яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчи эдимки, ёш санъаткорларимизнинг кўпчилиги турли хил овоз кўчатиригичлардан фойдаланишдади. Ҳақиқий истеъдод эгаси эса жой, масофа танламайди. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзининг жарангли, жонли овози билан куйлаб халқни хушнуд этаверади. Истаймизки, ҳақиқий овоз соҳиблари, асл санъаткорлар кўпаяверсин. Уларнинг овозлари бутун дунё сахналарида жарангласин. Зеро, Ўзбекистондаги жаннатмақом юрда камол топаётган ёшларнинг санъати ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим. Сўзим охирида барча иштирокчиларга омад тилаб қоламан.

Шунингдек, кечада Ўзбекистонда хиз-

мат кўрсатган артист Бахрулла Лутфуллаев, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Тожимахмат Ботиров ва бошқалар танлов ҳақида ўзларининг илқ фикрларини билдирдилар.

Танловни Шайхонтохур туманидан қатнашувчи иқтидорли хонандалар Зиёда Қобилова «Хаёт», Нигина Набиева «Олмали аймоқча», Ойбек ва Нигора «Ена-ёна», Фаррух Комилов «Соли» кўшиқлари билан бошлаб бердилар.

Шундан сўнг иштирокчилар бирма бир ўз дастурларини намойиш қилдилар. Мумтоз кўшиқ номинацияси бўйича Юнусобод туманидаги А.Қодирий номидаги маданият уйининг «Настари» халқ дастаси яққоҳон хонандаси Уткир Позиллов ижросидаги Навоий газали билан айтадиладиган «Гулизорим» кўшиғи айниқса томошабинларнинг қизгин олқишларига сабаб бўлди.

«Нихол» мукофотига номзодларнинг профессионал тайёргарлиги, бадиий ижрочилик маҳорати, репертуар савияси, мутахассислар томонидан муносиб баҳолаб борилди.

Истеъдодли ёшларга «Нихол» мукофоти бериш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши танлов голибларидан ҳар бир йўналиш бўйича иккитадан жами бешта номзодни танлаб олиб республика кенгашига тақдим этади.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «Нихол» мукофоти-нинг шаҳар босқичидан лавҳалар. Ҳақимжон СОЛИХОВ олган суратлар.



ДИҚҚАТ, ИЖОДИЙ ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирларда оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов шартлари: — танловга жорий йилнинг 1 июнидан республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ва мамлакатимизда бу ҳужжатнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишида фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади;

— танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фойдаланиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида чоп этилган бўлиши лозим; — тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва маънубот нусхада бўлиши керак;

— фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади; — ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади).

Танлов 2008 йилнинг 10 декабрида якунланади. Голиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллари (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов голибларига мукофотлар: 1-ўрин (1 та) 2-ўрин (2 та) 3-ўрин (3 та)

Голиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Материаллар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2008 йил 1 декабрда қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. тел./факс: 244-12-51, 244-15-96, «http://www.mmf.uz/», e-mail: «mailto:mmf@uzpak.uz», «mailto:mmf@uzpak.ru»

Ташкилий кўмита.

Иқтисодиёт ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ҲАҚИДА

ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН БОЛАЛАР ДУНЁСИГА КИРИБ БОРГАН ВА ИЧКИ БОЗОРДА МУНОСИБ ЎРНИ ЭГАЛЛАЁТГАН «NISO TEKSTIL» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ТАДБИРКОР ЖАМОАСИ ЧЕТ ЭЛ ДАСТОҲЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН ЯНГИ БИНОДА ЎЗ ТОВАРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРОМҚДА.

—Бир неча йилдан буён буюртмаларимиз кўпайиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ният қилар эдик, — дейди корхона раҳбари изланувчан тadbиркор Рокья Ҳабибияева. — Яқинда Бектемир туманидан ана шундай бино олиб, таъмирлаб иш бошлаб юбордик. Кўшимча тикув машиналари қўйиб, ишчиларни ҳам кўпайтириш ҳаракатидамыз. Албатта, тикувчиларни малакасига қараб, танлов асосида ишга олишни режаланганмиз. Чунки бугунги харидор дид ва талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош товарлар тайёрлашда, фақатгина ички бозор билан чекланиб қолмасдан, экспортни ҳам йўлга қўйишда чеварлар маҳорати, маҳсулотнинг юқори сифати муҳим аҳамият касб этади.

Шуни айтиш керакки, бугунги кунда корхона чеварларининг 100 фоиз пахта хом ашёсидан тайёрланган матолардан фойдаланиб тикаётган болалар кийим-кечаклари ва чақалоқлар учун зарур бўлган тўплам ҳамда ашёлари Туркиядан келтириладиган худди шундай товарлар билан бемалол рақобатлаша олади. Уларнинг моделлари эса бугунги кунга келиб 200 хилдан ошиб кетганки, албатта бу бозорни тинмай ўрганиши самарасидир.

Жорий йилда корхона модельер-дизайнерлари томонидан бир неча турдаги чақалоқлар тўпламлари, ўғил болалар ҳамда қизалоқлар учун кўйлакча, иштонча, қалпоқча ва пайпоқчаларнинг янги хиллари харидорларга тортиқ этилди. Шунингдек, чеварлар талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда ва болажонларимиз онгиде миллий қадриятларимиз эъзозига меҳр-муҳаббат уйғотиш ниятида кичкинтойлар учун келин ва куёв либослари тикишни режалаштирмоқда.

Тadbиркор жамоа аҳлининг изланишларини шунда яққол сезиш мумкинки, бу ерда ҳеч муболағасиз кунга янги модель яратилади ва бозорга етказиб берилади. Яқин кунларда «NISO TEKSTIL» савдо белгиси билан тайёрланаётган болалар кийимлари Қирғизистон ва Россияга экспорт қилинади. Бунинг учун айни кунларда музокара олиб борилмоқда.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР САЪ-ХАРАКАТЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАНИ МАМЛАКАТИМИЗ ВАЛЮТИ МАБЛАГИНИ ТЕЖАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган ва ўз олдига қўйган мақсадни муваффақиятли ундаётган «Тошкент йўловчи вагонлари таъмирлаш заводи» очик акциядорлик жамиятида йўловчи вагонлар таъмирланади, буюртмага кўра модернизация қилиниб, қайта жиҳозланади. Бугунги кунда мазкур заводда ҳар йили 450 дан зиёд йўловчи вагонлар таъмирланмоқда. Шунинг баробарида уларни таъмирлаш ва жиҳозлаш учун керакли болалар бутловчи ҳамда эҳтиёт қисмлар корхона цехларида тайёрланапти. Албатта, четдан келтириладиган импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи қўллаб эҳтиёт қисм ва деталлар ўтган йиллар давомида қўллаб тайёрланмоқдаки, бу замонавий техника ҳамда технологиялар қуввати, малакали мутахассислар меҳнати шарофатиридир. Шубҳасиз, ўзлариди ишлаб чиқарилаётган ана шундай бутловчи қисмлардан самарали фойдаланиш йўловчи вагонларни таъмирлаш ишлари таннархини арзонлаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Республикамизда ягона саналган мазкур заводда 2006 йил сентябрдан эътиборан ИСО 9001 халқаро стандарт бўйича сифат бошқаруви тизими татбиқ этилиб, иш юретаётганлиги эътиборлидир.

Яна бир аҳамиятли томони хусусида тўхталадиган бўлсак, тadbиркорлар имкониятлардан келиб чиққан ҳолда қўшни давлатлар буюртмаларини ҳам муваффақиятли ундашмоқда. Айниқса, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистондан тушган буюртмалар сифатли ба-жарилаётганлиги ҳамкорлини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугунги кунга келиб таъмирлаш зарур бўлган 120 тадан ортиқ номдаги эҳтиёт қисм ва деталлар корхона цехларида тайёрланапти. Келгусида ишлаб чиқарилаётган полимер ва резинотехника деталлари турларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга эришиш режаланган. Энг асосийси эса ана шу ният йўлида изланаётган ва меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга қулай иш ва дам олиш шароитларининг муҳайё этилганидир.

ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

ЁШЛАР ЙИЛИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ, МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ КўПАЙТИРИШ ВА ЭКСПОРТНИ ЙўЛГА ҚўЙИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН «FAU-SA TEKSTIL» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРИ ЯНГИ ЦЕХЛАР ОЧИШНИ МўЛЖАЛЛАБ ҚўЙИШГАН.

Ана шу асосда болалар учун турли хил пайпоқ маҳсулотларини ҳам тайёрлашга эришилади, ишчилар сони эса икки баробарига ортиб 50 нафарни ташкил этади. 2003 йилдан буён фаолият кўрсатаётган кичик корхона цехлари жанубий Корея ва Англиядан келтирилган тўқув дастгоҳлари, Россиянинг тикув машиналари билан жиҳозланган. Улар асосида 90 фоиз маҳаллий хом ашё — пахта ипидан аёллар ҳамда эркаклар пайпоқлари тайёрланади. Шунингдек, ҳозирда бошқа трикотаж маҳсулотларини тайёрлаш учун ҳам ҳаракат бошлаб юборилди.

Тadbиркорлар ўтган йилда Россия давлатига ўз маҳсулотлари экспортини бошлаган бўлиб, жорий йилдан ҳам 100 минг долларлик ўз дизайнига эга, чиройли ўралган пайпоқ турлари мазкур мамлакатдаги буюртмачиларга етказиб берилади. Болалар учун эса бир-биридан чиройли ва кўркам пайпоқчалар чиқарилади. Дизайн ва сифат маҳсулот тайёрлашда бош мезонга айланганини ҳам таъкидлаш лозим.

Шарофат БАХРОМОВА

Анжуманлар

«USELL» САВДО БЕЛГИСИ ОСТИДА

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЕТАКЧИ УЯЛИ АЛОҚА ОПЕРАТОРЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН «COSCOM» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ МАМЛАКАТИМИЗДА 12 ЙИЛДАН ОРТИҚ ДАВР МОБАЙНИДА ТИЖОРАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТИШ КЕЛМОҚДА.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг апрелида мазкур компаниянинг абонентлари сони 1 миллиондан ортиб, уларнинг сафини янада кенгайтириш, жаҳон андозлари даражасидаги хизматни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Айтиш жоизки, «COSCOM» МЧЖ ХК ўз савдо белгисини тўлиқ қайта ишга тушириб, 2008 йил июнь ойидан бошлаб, «Ucell» бренди остида хизматларни тақдим этилади. Ушбу савдо белгисининг бозорга чиқиши кенг миқёсли маркетинг компани-

яси билан ҳамоҳангликда олиб борилади.

Куни кеча янги «Ucell» савдо белгисининг очилишига бағишланган «COSCOM» МЧЖ ХКнинг матбуот анжумани «Интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Унда иштирок этган оммавий ахборот воситалари ходимларига компания раҳбарлари янги савдо белгиси ҳақида батафсил маълумотлар беришди.

—Шу вақтдан эътиборан, барча хизматларимиз янги «Ucell» савдо белгиси остида тақдим этилади, — деди

жумладан анжуманда «COSCOM» МЧЖ ХКнинг бош директори Оғуз Мемигоев.

—Компаниянинг янги эгалари билан келишилган ҳолда шунга қарор қилинди. Брендини «Ucell»га ўзгартириш билан биз ўзимизнинг Ўзбекистонда тегишли эканлигимизни қайд этмоқчимиз. Бу билан яна шуни кўрсатмоқчимизки, энди «COSCOM» жаҳон даражасидаги телекоммуникация компаниялари «оиласи»нинг бир қисми ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йил ўрталарида «COSCOM» акцияларининг назорат пакети Европанин

етакчи телекоммуникация компанияларидан бири саналган «TeliaSonera» томонидан сотиб олинган эди.

«TeliaSonera» МДХ мамлакатларида яъни Қозғистонда «Kcell», Озарбойжонда «Azercell», Грузияда, «Geocell», Молдовада «Moldcell» каби компаниялар акцияларининг асосий улушлари эгаси ҳисобланади.

Анжуманда Европа инвесторларига тегишли эканлиги қарамай, «COSCOM» «Ucell» савдо белгиси остида Ўзбекистон учун доимо маҳаллий компания бўлиб қолиши алоҳида таъкидланди. Жаноб Оғуз Мемигоев компаниянинг ўз аънасаларига, яъни жаҳон даражасига мувофиқ хизмат кўрсатиш, мижозлар ва жамият ҳақида қайғуриш, дунё этик меъёрларига кўра фаолият олиб бору-

чи маҳаллий компания бўлиш сингариларга содиқлигини айтиб ўтди.

«Ucell» —бу қатъиятли ва қалби ҳамшира ёш бўлган, янги замонавий хизматларни доимий излашдан тиймайдиган, ўсиб борувчи қизиқиш ва эҳтиёжларга жавоб бера оладиганларнинг брендини эканлиги, у шундай инсонларнинг ҳаётларини янада бойитиш, қўллаб-қувватлаш ва уларнинг муваффақият қозонишларида кўмаклашиш учун яратилганини мутасаддилар томонидан анжуманда алоҳида қайд этилди. Шунингдек, яқин келгусидаги режалар хусусида ҳам маълумотлар берилди. Қизиқарли ўтган анжуманда журналистларнинг барча саволларига тўлиқ жавоблар қайтарилди ва кўзланган мақсадга эришилишига ишонч билдирилди.

(Ўз муҳбиримиз)

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ОМИДИ

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА УЙҒУНЛАШУВИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА СИЛЖИШЛАР ОРҚАЛИ УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА БЕВОСИТА ТАБСИР КўРСАТАДИ. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЭНГ ЮКСАК ШАКЛИ, ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ ПОГОНАСИ — МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ ҲИСОБЛАНАДИ.

цияларни жалб этиш орқали юқори технологияларга асосланган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, самарали бошқарув тизимини амалиётга жорий этишдан иборат.

Эркин иқтисодий ҳудудда юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон қонунчилигида ман этилмаган молиявий хўжалик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга. Эркин иқтисодий ҳудудларда ташқи савдо, фискал, молиявий, маъмурий имтиёзлар мавжуд бўлиб, улар турли хил комбинацияларда қўлланиши мумкин. Ўзбекистонда молия ва банк марказини очиб олиш иқтисодий инвестициялар оқими тезлаштириш, инновацион жараёнларнинг фаоллашувига олиб келиши табиий. Республикада технологияларни ривожлантириш учун телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ҳам катта аҳамият касб этади. Ахборот коммуникация технологиялари соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш ишла-

рига бугунги кунда қаратаётган жиддий эътибор, келгусида сифатли миллий дастурий маҳсулотларнинг ишлаб чиқилишига ва соҳани ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади. Бунинг натижасида хорижий лицензияланган дастурларни сотиб олиш учун валюта маблағларининг тежалиши, ноконуний нусхалардан фойдаланишнинг олдини олиш ва ахборот хавфсизлигининг таъминла-нишига асос солинади. Бунинг учун дастурлар экспорти билан шуғулланувчилар-

лият саноат, илм-фан, маданият марказлари фаолияти билан, шунингдек, катта миқдордаги табиий ресурслар ҳам бўлган худудлар билан узвий боғлиқ бўлади.


Жаҳон амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, бир қатор давлатлар ўз иқтисодий ривожига айнан эркин иқтисодий худудларни ташкил этиш ва ривожлантириш орқали эришганлар. Эркин иқтисодий худудда юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон қонунчилигида ман этилмаган барча хўжалик ва молиявий фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунчилигимизга асосан эркин иқтисодий худудлар Олий Мақлиси қарори билан Вазирлар Маҳкамаси тавсиясига асосан ташкил этилади. Эркин иқтисодий худуднинг мақоми, чегаралари, фаолият кўрсатиш мuddати Олий Мақлиси томонидан Низомга асосан тасдиқланади.

Республикада Махсус саноат худудининг яратилишдан асосий мақсад-ишлаб чиқариш жараёнига замонавий бошқарув услублари, инновацион фойдаланиш таъбиқ этиш, юқори технологияли маҳсулот турларини ўзлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда Республикасининг жаҳон бозорига ўзининг тайёр маҳсулотлари билан кириб бориши учун имкониятлар яратишдан иборат.

Юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш; —импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринларини яратишдан иборат.

Дилором РАХИМДЖАНОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тинловчиси

Маҳалла — ота-онани



АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ БОРАСИДА ҲОЗИРДА ШАҲРИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА ҚУРИЛИШ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ КЕНГ КЎЛАМДА ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУ БОРАДА АЙНИҚСА, МАҲАЛЛАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ЭЪТИБОРГА МОЛИКДИР.

Туманларда

«ЯНГИШАҲАР»НИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги «Янгишаҳар» маҳалласида ҳам ободонлаштириш ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.

Халқимизда «Аҳилликда гап кўп» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Ушбу маҳаллада ҳавас килгудек ибратли ишларнинг амалга оширилишида фуқаролар йигини раиси Рихсвий ака Орипов ташаббусини жонқуяр фаоллар, фаолларнинг хайрли мақсадларини эса оқсоқол қўллаб-қувватлаб, бир ёқадан бош чқаришлари муҳим омил бўлмоқда. Айниқса Анварбек Мусабеков бошчилигида тузилган ишчи гуруҳи томонидан муайян ишлар бажарилди. 8 кишидан иборат гуруҳ саъй-ҳаракатлари билан маҳаллада истиқомат қилаётган табаррук онахон ва бошқа ҳомийлар ёрдамида О.Шарафиддинов кўчаси ҳамда 2,3,4,5-тор кўчалардаги 150та дан ортик хонадоннинг газ таъминотини яхшилаш мақсадида газ қувури тортилиб, янги газ тақсимлаш мосламаси ўрнатилди.

Бундан ташқари, «Кизил Шарк» кўчасининг муайян қисми ва О.Шарафиддинов 1-боши берк кўчасида истиқомат қилувчи 60 га яқин хонадонга оқвава сув қувурларининг тортилиши ҳам маҳалладошларнинг кўмағида фаолларнинг бош-қошлиги остида амалга оширилди.

Кайқосув каналининг маҳалла худудидан ўтувчи қисми ҳаҳар йўли билан тозаланди.

«Ёшлар йили» муносабати билан «Янгишаҳар» маҳалласида яна бир аjoyиб ташаббусга қўл урилди. Яъни, болалар учун замонавий спорт залининг қурилиши жадал давом этмоқда. Ҳозиргача спорт зали-

нинг қурилиш-тиклаш ишларига 5 миллион сўмликдан ортик маблағ сарфланди.

— Болалар учун барча қулайликлар яратиладиган ёпиқ спорт залини насиб этса Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида фойдаланишга топширмоқчимиз, — дейди биз билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли Рихсвий ака Орипов. — Ушбу қурилиш маблағларини



нинг асосий қисми ҳомийлар ҳисобидан, жумладан, Рангли металл энергия корхонаси томонидан қолланмоқда. — Бу ерда теннис, баскетбол, волейбол, мини-футбол билан шуғулланиш мумкин бўлади. Қўл жанги тўрагагини очмоқчимиз. Уйлаймизки, зал қурилишида болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ҳам ўз ёрдами аямайди.

Ҳозирда маҳалла гузарини реконструкция қилиш



ишларига тайёргарлик кетмоқда.

Маҳалла фаолиятининг яна бир ибратли томони шундан иборатки, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳолларидан доимо хабар олиш, ёшларни ватанпарварлик, кексаларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларини амалга ошириш учун ҳам тажрибали мутахассислар Азизбек Файбуллаев ҳамда Абдурашид Раззоков бошчилигида фаоллар гуруҳи тузилган бўлиб, уларнинг фаолияти ҳам ўз самарасини бермоқда. Оилаларнинг кўйди-чиқисининг олдини олишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Яъни ажралиш оstonасида турган 100 фойз оиладан 90 фойзини яраштиришга эришилганида ҳам фаолларнинг хиссалари катта.

Дарҳақиқат, «Янгишаҳар» маҳалласида ҳар бир йўналишга серғайрат фаолларнинг бириктирилгани ютуқлар омили бўлмоқда. Файзулла Зиёев, Шавкат Дадамўхамедов, Зиёвуддин Салоҳидинов, Турсунбой Азимов, Шоира ва Раҳматулла Муслимовалар, Убайдулла Норматов, Валижон Солиқов, Зиёвуддин Нуриддинов каби жонқуяр ва ишчан фаоллар шулар жумласидандир.

Маҳалла ҳаёти билан танишиб қайтар эканмиз, ушбу фойзалар гушанинг кейинги ишларида омадлар тиладик. Уйлаймизки, муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиб, ютуқларни ошириш борасида «Янгишаҳар»нинг ибратга молик қўллаб-ўзига хос тажрибали шахримиздаги бошқа маҳалла-ларга ҳам ўрнак бўла олади.

ДИЛШОД ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: «Янгишаҳар» маҳалласининг бир гуруҳ фаоллари; янги ўрнатилган газ тақсимлаш мосламаси; ёпиқ спорт зали қурилишдан лавҳа Ҳакимжон Солиқов олган суратлар

«Олмазор» маҳалласида яшовчи пиру бадавлат, ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтиб ҳозирда фарзандлари, набираю эваларни бағрида умргузаронлик қилиб келаётган табаррук онахон — Шарифа ая Шуқурова билан суҳбатимиз айнан юқоридаги гаплар билан бошланди. Биз ушбу ибратли оила соҳибаси билан яқиндан танишиш, уларнинг ўғит ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлиш мақсадида ушбу хонадонга кириб борганимизда онахон атиргулу райхонларни парварши қилиш билан банд эканлар. Биз хайрат ва ҳавас билан уларни кузатиб, табаррук 80 ўғил ҳам уйда дам олиб ўтирмаликларининг сабабини сўраганимизда онахон жилмайиб кўйдилар холос.

— Биз яшаган даврларда ҳозиргидек шарт-шароитлар қайда эди, — деб ўз ҳаётлари ҳақида эсга оладилар онахон, — онам раҳматли жуда ёш кетдилар, укаларим, сингилларимга бош бўлдим. Рўзгор деган астойдил шуғулланиш керак. Ахир уларнинг меваларидан аввало ўзимиз баҳраманд бўламиз. Яхши бўлиб камолга етса, бошимиз осмонда — қувонамиз, ҳаётда адашса бошимиз эгилади. Шундай экан уларга жуда ёшликдан тўғри тарбия бериш керак.

Онахонга ибратли ҳаёт йўллари ҳақида ҳар қанча савол бермайлик, камтарлик билан, қийинчиликларни босиб ўтдик, шундай кунларга етиб келишимиз ўзи бўлмади, унинг замири эса меҳнат, дедилар.

Ҳа, онахон, минг-минглаб меҳридор, жонкаш-жафокаш оналаримизнинг бири, фарзанди учун жонидан кечигиша тайёр бўлган ҳазрати аёл. «Олмазор» маҳалласидаги қай бир хонадондан сўрасак, албатта уларга ёрдамлари теккан, ҳеч бўлма-са оиласида жанжал кўтарган ўй соҳибини тинчлантирганлар, тарбияда адашган болаларнинг тўғри йўлга тушишига ҳисса қўшганлар.

— Онахоним бизга ҳаётда ўзлари аввало ибрат мактаби бўлганлар, — дейди катта ўғил Абдуқаҳҳор Шуқуров. — Жуда ёшликдан меҳнат қилишга, катталар ёнида одоб сақлашга, хунарни бўлишга ўргатилганлар. Оллоҳга шукр, барчамиз касб-корли, оилали, уйли-жойли бўлиб ўтирибмиз. Энг муҳими юртимизга, элимизга керакли инсонлармиз. Онам бундан ҳам кўп йил умр кўрсинлар, фарзандларимиз, набиранларим тўйларига ҳам бош бўлиб ўтирсинлар.

«Олмазор» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раисаси Дилбар Каримова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Насиба Қодирова ва фаоллар ҳам Шарифа онахон ва уларнинг фарзандлари ҳақида меҳр билан илқик фикрларни билдиришди.

Келинлари Манзураҳон, набира келинлари Зураҳонлар кайнона-бувижонларининг пурмаъно ўғитлари, ҳаёт синовларидан ўтган панд-насихатлари тўғрисида оила аталмиш муқаддас кўрғонда тинчлик-тотувлик, бахтиёр ҳаёт кечириб келаётганларини айтиб, яна узок йиллар соғу саломат меҳру ардоғидада юрсинлар деб ният билдиришди.

Биз ҳам ушбу камтарин, камсўқум, беш нафар фарзанд, 19 набира ва 9 нафар эваларнинг бағрида доно маслаҳатлари билан катта оилага бош бўлиб ўтирган Шарифа онахонга тан-жонингиз соғ, умрингиз узок бўлсин, фарзандларингиз иқболини, роҳатини яна узок йиллар кўриб юринг деб хайрлашдик.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Тадбирлар

УНУТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 2- БОЛАЛАР СТОМАТОЛОГИЯСИ ПОЛИКЛИНИКАСИДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА БАГИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда «Астро-бод», «Туркистон» маҳаллаларида яшовчи болалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирок этишди.

— Ёшлар — келажгимиз, эртанги ўшони, умиди, — дейди биз билан суҳбатда 2- болалар стоматологияси поликлиникаси бош шифокори Муқаддас Умарова. — Уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб voyага етишлари, таълим-тарбияли, одоб-ахлоқли, маънан баркамол инсонлар каторидан ўрин олишлари учун ҳар биримиз масъулмиз. Ўсмир ёшларнинг саломатли-

гига, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбирларимизда биз айнан ушбу масалаларга эътиборни қаратганмиз. Чунки ёшлиқдан тиббий саводхонликдан баҳардор бўлган болалар жонлар келгусида ҳам спорт билан шуғулланиб, жисмонан соғлом бўлишга интиладилар.

Тадбирда сўз олган Республика Маънавият-тарғибот марказининг туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова ва шифокорлар давлатимиз, хусусан Юртбошимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик уларнинг саломатликларини тик-

лаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида алоҳида тўхталиб, шу ўринда ёшларнинг ҳам юртимизга муносиб фарзандлар бўлиб voyага етишларига тилак билдирилди.

Тадбирда иштирок этган барча болаларга тўғри йўналишдаги маданият уйи қошидаги «Сезам» гуруҳи бадий ҳаваскорлик жамоалари ижросида янграган шўх куй ва қўшиқлар барчада унутилмас таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз)

«БЕЛТЕПА» — ШАҲАР БОСҚИЧИДА ҚАТНАШАДИ

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ ЮРТИМИЗДА УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАВ БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Хусусан, маҳаллаларда истиқомат қилувчи болажонларнинг ёғи таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқаруви томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, халқ таълими вазирлиги, Футбол федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, «Камолот» ЕИҲ каби бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилиб келаётган «Футболимиз келажги» деб номланган мусобақалар ҳам айнан юқоридаги мақсадлар йўлида ташкил этилаётгани билан эътиборлидир.

— Болажонларнинг энг сеvimли машғулоти бўлган футбол бўйича ўтказиладиган мусобақаларда ҳеч қандай спорт клубларига аъзо бўлмаган ўсмир ёшларнинг иштирок этишининг ўзига хос мазмун-моҳияти бор, — дейди биз билан суҳбатда «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқаруви ходими Хайдарали Қораболаев. — Чунки бутун ёз давомида дам оладиган болажонларнинг бўш вақтини сермазмун ва мароқли ўтказиш орқали уларнинг саломатликларини тиклаш

ва яхшилашга ҳисса қўшиш кўзланган. Бугунги кунда ушбу мусобақаларда иштирок этиш учун 9-10 ёшлилар тоифасида 142 та маҳаллада 568 жамоага 11360 нафар болалар, 11-12 ёшлилар тоифасида 107 та маҳаллада 428 жамоага 8560 нафар ўсмирлар, 13-14 ёшлилар тоифасида 104 та маҳаллада 416 жамоага 8320 нафар ўсмирлар, 15-16 ёшлилар тоифасида 92 та маҳаллада 368 жамоага 7360 нафар ўсмирлар, жами эса 445 та маҳаллада 1780 жамоага 35600 нафар ўсмир ёшлар қамраб олинган.

Айни кунларда «Футболимиз келажги» мусобақаларининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан 11-12 ёш тоифасида Шайхонтоҳур тумани бўйича голибликлик учун «Белтепа» ва «Янги белтепа» маҳалла жамоалари куч синашдилар. Чиройли ўйин кўрсатиб 3:0 ҳисобида ғалаба қозongan «Белтепа» маҳалласи жамоаси Тошкент шаҳар босқичига йўланмани кўлга киритди. Мусобақалар кизгин давом этмоқда, биз барча жамоаларга омадлар тилаб қоламиз.

Шахризода МУХСИМОВА

2008 — Ёшлар йили

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА LG ELECTRONICS (ЖАНУБИЙ КОРЕЯ) КОМПАНИЯСИНING МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҚАТОР ЙИЛЛАРДАН БУЁН ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА «LG GRANT» КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИБ КЕЛМОҚДА. БУНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИ ИЗЛАБ ТОПИШ, УЛАРГА ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТИШИДА КЎМАКЛАШИШ, ТАЪЛИМНИНГ КОНТРАКТ-ШАРТНОМА ШАКЛИДА ЎҚИЁТГАН ИСТЕЪДОДЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДАН ИБОРАТ.

Танловга пойтахтимиз ва Самарқанд шаҳридаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабалардан беш юздан кўпроқ ариза тушди. Барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштираётган, жамоат ишларида фаол, хорижий тиллар бўйича яхши билимга эга саккиз нафар йигит-қиз мазкур танлов голиби бўлди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот хизматидан маълум қилишларича, Ёшлар йилида тадбир ташкилотчилари танлов географиясини янада кенгайтириш ташаббуси билан чиққан. Унга кўра, жорий йил илк бор Навоий ва Бухоро вилоятларидаги университет ва институт талабалари ҳам ушбу танловда иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Танловнинг мазкур вилоятларда ўтказилган ҳудудий босқичларида эса етти нафар голиб аниқланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида танлов голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳар томонлама баркамол, илгор технологиялар ва замонавий илм-фан сирларини чуқур эгаллаган, ўз соҳаси бўйича етук билим ва маҳоратга эга мутахассисларни тайёрлаш мамлакатимизда Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишидир. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгайтири-

Тадбирда голиб ва совриндорлар махсус диплом ва тегишли миқдордаги грант билан тақдирланди. Мазкур грант маблағлари талабалар тахсил олаётган олий ўқув юрти ҳисоб рақамига ўтказилади ва уларнинг таълим контрактини тўғри йўналтирилади.

«БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ!»

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОГИДА «СОҒЛОМ ЁШЛАР» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. У ИЖТИМОЙ ТАШАБУСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ, «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ЁШЛАР ТАШАБУСЛАРИ МАРКАЗИ ҲАМДА БИР ҚАТОР ЖАМОАТ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёш авлодни ОИВ/ОИТС, гиёвандлик сингари хавфли иллатлардан огоҳ этиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, болалар спортини ривожлантириш муҳим йўналишлар сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур ижтимоий тадбирдан кўзланган асосий мақсад 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни турли семинарлар, машғулотлар, спорт турнирларида фаол иштирокини таъминлаш орқали соғлом турмушга жалб этишдан иборатдир.

«Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз!» мавзусида бошланган мазкур тадбирда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган турли ижодий танловлар, болалар плакатлари кўриқлари, концертлар, театрлаштирилган томошалар, интерфол тарғибот машғулотлари, викториналар, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлиб ўтади.

ЁШЛАР НИГОҲИ: ТАСАВВУР ВА БОРЛИҚ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ХАЛҚАРО МАДАНИЙТ КАРВОН САРОЙИДА «ТАСАВВУР ВА БОРЛИҚ» МАВЗУИДАГИ БАДИИЙ КЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА ТАСВИРИЙ САЊАТ ОЛАМИГА ЭНДИГИНА КИРИБ КЕЛАЁТГАН АЙЎҚАЛАМ СОҲИБЛАРИНИНГ МУСАРЛАРНИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

Юртимизда истеъдодли ёшларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида. Бу борадаги эзгу ишлар кўлами «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида янада кенгайди. Дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси ёш ижодкорларнинг бадий кўргазмалари, санъат анжуманлари, ижодий танловлари, маҳорат сабоқлари, фестивалларини мунтазам ўтказиб келмоқда. «Тасаввур ва борлик» деб номланган кўргазма бунинг яна бир далилидир.

Кўргазмада Шаҳноз Миркаримова, Ойзода Жуманиёзова, Агата Асфандиёрова, Екатерина Акинина каби қизлар ижоди билан яқиндан танишиш мумкин. Юртимизнинг тасвирий санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус, касб-хуна таълим даргоҳларида билим олаётган бу қизлар «Келажак овози», «Миср болалар нигоҳи» каби кўрик-тайловларда муваффақиятли иштирок этган.

ЎЗА

ОЗ-ОЗ ЎНГАНИШ ДОМО БЎЛУҒ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ("Ахлоқи муҳсиний"дан)

Сабр бағоят яхши ва марғуб сифатдир.

Хар киши агар замони ҳодисаларнинг зарбасига сабр қилса, албатта, умид ўқи мурод нишонига теғар. Сабр қилувчига балолардан ҳеч зарар етмас. Чунки сабр шодмонлик калитидур ва роҳат эшиги бундан ўзга калит бирла очилмас.

Ҳасад балоси улкан фасодлар пайдо қилур. Чунки ҳасад бағоят жирканч хислатдур.

Ҳасад аслида ҳиммат пастигидан ва таъб хасислигидан вужудга келурчи булар жоҳиллик натижасида юзага чиқади. Ҳасад ақлнинг нуқсонли эканлигига равшан далилдур.

Хабарда келтурубдурларки, қиёмат кунинда гийбат гуноҳи зино гуноҳидан ҳам улкан ҳисобланур.

Гийбат қилувчилар ўлимтик егувчи куртлар кабудурлар. Зеро инсонда одамийлик сийқи бўлса, ўлимтик гўштин истеъмол қилмас.

Меҳрибон ва раҳмдил бўлмоқ умрнинг ва ризқнинг баракали бўлишига сабаб бўлади.

Вафодорлик ва олижаноблик комил инсонлар хислатидур.

Ростгўйлик охираат кунинда нажотга муяссар қилур.

Оқхасталик барча ишларнинг камолга етишига омилдур.

Шошма-шошарлик ва тезлик кўп ишларда зиён келтиради.

Агар киши бирор ишни оқхасталик ва оғирлик билан бошласа, ул иш кўнгил истаганидек анжом топар. Агар киши ишни енгил-тақлик ва тезлик билан бошласа, кўзланган мақсади ҳосил бўлмай, хижолатга қолур.

Хар бир ишни маслаҳат билан қилишнинг фойдаси кўлдур. Биринчидан, киши агар маслаҳат қилган ишнини амалга оширолмаган тақдирда ҳам бошқалар унга таъна тошини ота олмайдилар ва уни маъзур тутадилар. Учинчидан, бир кишининг ўзи танҳо бўлажак ишни атрофлича мушоҳада қилолмайди. Агар кўпчилик бош қотирса хар кимдан бирор фикр чиқади ва бамаслаҳат бу фикрлардан энг оқили танлаб олиниш имконияти туғилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият қўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган. Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Худудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Тошкент Давлат юридик институти томонидан 2002 йил июнда Хўжаев Акромжон Абдурашидович номига берилган 794 рўйхат рақамли, В № 094924 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-506



«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН ЎТКАЗИ!»

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА МАЗКУР ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИНИНГ «ОРОМГОҲ — 2008» ЛОЙИХАСИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда юртимизда ёш авлоднинг хар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар сифатида вояга етиши, чуқур таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча шароит ва имкониятлар яратилгани таъкидланди. Бу жиҳатлар болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумини юксак савияда ташкил этишда ҳам ақвол намоян бўлмоқда. «Ёшлар йили» Давлат дастурида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини маъмули ташкил этиш, болалар спортини ривожлантириш, ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, уларни ҳаётга қатъий қарашлар ва эътиқод руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан бири сифатида бел...

«Тошкент оқшомини» саломатлик хизмати

УЗОҚ ЯШАШ ОМИЛИ:

КЎП ҲАРАКАТ СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Геронтолог олимларнинг қатъий фикрларига кўра, инсон бемалол 120 йил яшаши мумкин. Яна улар, узоқ яшайдиганлар оз еб, кўп ҳаракат қилувчилар эканини ҳам таъкидлашади. Мутахассислар фикрига кўра, одам 80 ёшдан кейин қаримас экан.

Давлат соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта эътибор берган мамлакатда инсонларнинг ўртача умри узайиб боради, дейди суҳбатдошимиз — тиббиёт фанлари номзоди, тажрибали шифокор О. Содирхонов. Чунончи, АҚШда 1900 йили бу кўрсаткич атиги 47 ёш бўлса, ҳозирда 79 ёшга ташкил этмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам фуқароларимизнинг ўртача умри Мустақиллик йиллари давомида 7-8 ёшга узайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бизнинг саломатлигимиз энг аввало ўзимизга боғлиқ. Статистиканинг қатъий гувоҳлик беришича, узоқ умр кўрадиганларнинг 89 фоизи чекмайди, 70 фоизи алкоғолни озгиза олмайди. Лекин булар узоқ яшашнинг бирдан-бир омиллари эмас. Албатта, қариш — муқаррар жараён. Аммо унга таъсир кўрсатиш мумкин. Бунга қандай эришиш йўллари билиш учун аввало қариб бораётган организмда нималар содир бўлишини аниқлайлик.

40 ёшда инсон танаси 30 ёшдагига нисбатан кунига 120 калория энергияни камроқ сарфлайди. Бинобарин, ўз вазнимизни назорат қилиш қийинлашади. 50 ёшда климакс бошланиши муносабати билан фарзанд кўриш қобилияти йўқолади, юрак хасталикларини хавфи ортади. Иммунал тизимда муҳим аҳамиятга эга бўлган қалқонсимон без ҳажми 90-95 фоизга қисқариб кетиши оқибатида инфекциялар хавфлироқ бўла боради.

60 ёшда ошқозон ости беши иш қобилияти пасайиб, қондаги қант моддаси даражаси ортади ва диабет касаллиги таҳдид қила бошлайди. Бўғимлар иши оғирлашади, эшитиш қобилияти пасаяди. 70 ёшда артериал қон босими 20 ёшдагидан 25 фоизга ортади, тер ишлаб чиқарувчи безлар аста-секин ишламай қўяди ва натижада инфаркт хавфи кучаяди.

80 ёшга бориб айниқса аёлларда суюқлар мўртлашиб, синиш хавфи кўпаяди, юрак уриши тезлиги тахминан 25 фоизга қисқаради ва бу юракнинг хар бир қисқаришида қон оқимининг ортиши ҳисобига қопланади.

Лекин бир нарсани қайд этиш муҳимки, ёш ўта борса ҳам кишининг хусусиятлари ўзгармай қолаверади. Бошқача қилиб айтганда, 30 ёшлик кишининг галати одатлари 80 ёшда ҳам шундайича сақланиб қолганини кўриш мумкин. Кўп гапириладиган кексаллик ақл пасайиши (маразми) фақат 10 фоиз кишилардагина намоян бўлади. Аслида ақлий қобилиятнинг пасайиши кўпинча киши саломатлигининг аҳоли билан боғ...

БОҒДА МИЛЛИЙ БАЙРАМ

ШАҲРИМИЗДАГИ БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ТУРЛИ ХАЛҚЛАР МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРИНИ ШОДИЁНА ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ХАЙРЛИ АНЪАНА ТУСИГА КИРГАН.

Кунчи кеча боғда татар ва бошқирларнинг миллий байрами — «Сабантўй» кенг нишонланди. Татар-бошқир миллий-маданият маркази тадбирнинг ўтказилишида бош-қош бўлди. Сабантўй — кўп асрлардан буён ўтказиб келинаётган қадимий байрам бўлиб, хар йили ёзнинг дастлабки ойларида уюштирилади. У халқ мусикаси, рақслари, театрлаштирилган томошалар, спорт мусобақаларининг ўзаро уйғунлиги, халқ хунармандлиги ва миллий таом ҳамда пишириқларнинг намойишидир. Шу кунчи боғда шўх куй-қўшиқлар рақсларнинг кети узилмади. Байрамга келган хар бир меҳмон ёшидан қатъи назар турли танловлар ва спорт мусобақаларида иштирок этиб, мукофот олиш имкониятига эга бўлди. Айниқса, «от»-да похол қоплар билан «жанг» қилиш, бўш қопда югуриш, сув тўлдирилган челақ кўтариб югуриш, қошиққа солинган тухум билан қошиш, хўрозни олиш учун устунга кўтарилиб чиқиш каби миллий ўйинлар иштирокчилар ва меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Дўстлар, яқинлар билан учрашиб хурсандчилик қилиш, меҳр-оқибат кўрсатишдек хайрли одатлар мужассам бўлган Сабантўйнинг иштирокчилар ёдида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: Сабантўй мана шундай қувноқ тарзда ва қизикarli ўтди. Алексей Попов олган суратлар



балари болаларнинг ёзги оромгоҳлари ишига жалб этилади.

Шу мақсадда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши қошидаги «Етакчи» ўқув маркази томонидан дастлабки бир юз саксон нафар талаба махсус ўқув курсларида маънавий тарғиботчиси сифатида тайёрланди. Машгулотларда маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни ташкил этиш жараёнида болаларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини шакллантириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий ёз мавсумида саккиз юзга яқин ана шундай тарғиботчини тайёрлаш режалаштирилган. Улар пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда маънавий-маърифат тарғиботчиси сифатида фаолият кўрсатади. Бу маъсулятли жараён Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Республика Маънавий тарғибот маркази билан яқин ҳамкорликда амалга оширилади.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Футбол

ИТАЛИЯ ТЕРМАСИНИНГ ЧИРОЙЛИ ҒАЛАБАСИ

КЕЧА ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ЖАМОАЛАРИ ЖАМЛАНГАН «С» ГРУҲИДА СЎНГИ ЎЙИНЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ишқибозлар Голландия—Руминия ҳамда Франция—Италия беллашувларини орзиқиб кутишганди. Зеро, ушбу гуруҳда иккинчи жамоанинг чорак финалга чиқиши масаласи жуда қалқаш, руминларнинг Голландия термаси билан қандай ўйнашга кўп нарса боғлиқ эди.

Кутилганидек, голландлар Руд ва Нистелрой, Узсли Снейдер каби бир нечта етакчи ўйинчиларига дам беришган бўлса-да, уларнинг ўйини хар доимгидек худди соат механизмининг ҳаракатидек аниқ ва ҳужумкор эди. Оқибат, голландларнинг шиддатли ўйини олдига руминлар, гарчи уларга фақат ғалаба керак бўлса-да, ҳеч нима қила олишмади. Ҳатто уларнинг кириш ҳужумлари ҳам рақибларига унчалик хавф туғдирмади.

Биринчи бўлимда голландлар бир нечта қулай вазиятлардан тўп кирити олишмади. Хусусан, биринчи бўлим охирида Арен Роббеннинг дарвозабон билан яқинма-яқин чиқиб берган зарбаси устун ёнидан ўтиб кетган бўлса, 44-дақиқада Жонни Хейтинганинг жарима тўпи дарвоза устунига тегиб қайтди ва биринчи бўлимда ҳисоб очилмади.

Нихоят 54-дақиқада Клаас Ян Хунтелар чап қанотдан узатилган тўпни дарвозага аниқ йўлба ҳисобни очди.

87-дақиқада Робин ван Перси ўз голи билан учрашувга сўнгги нуқтани қўйди — 2:0. Шу тариқа барча уч учрашувини ғалаба билан якунлаб, 9:1 ажойиб тўплар нисбатига эга бўлган голландлар Европа чемпионатида голиб чиқиш учун асосий даъвогарлардан саналишмоқда.

Франция—Италия учрашуви хусусида тўхталадиган бўлсак, таъкидлаш кераки, афтидан кейинги пайтларда французлар учун енгил ўтиб бўлмайдиган Италия «тўсиғи» вужудга келганга ўхшайди. Учрашувнинг хал қилувчи лавҳаси 24-дақиқага тўғри келди. Худди шу вақтда французлар ҳимоячиси Эрик Абадал ўз жарима майдончасида кўпол ўйнаб рақиб ҳужумчисини йиқитди. Хакам нафақат пенальти белгилади, балки Абадални майдондан чиқариб юборди. Ун бир метрлик жарима тўпини эса Андреа Пирло жуда кучли зарба билан юқори бурчакка йўллагани ҳолда ҳисобни очди — 1:0.

Албатта, майдонда 10 киши билан ҳаракат қилган французлар учун ғалаба қозониш осон эмасди. Бунинг устига италияликлар ҳам ҳужумкор ўйин кўрсатишиб, ғалабага бўлган кучли интилишини намоян этишди. Франция термасининг бот-бот уюштирган қарши ҳужумлари эса ҳеч қандай самара бермади. Ўйиннинг 62-дақиқасида французлар дарвозаси томон жарима тўпи белгиланди. Даниэле Де Россининг кучли зарбаси «жонли деворга» теккани ҳолда ўз йўналишини ўзгартирди ва дарвоза тўрига тушди. Ушбу ўйин ҳам 2:0 ҳисобида италияликлар ғалабаси билан якунланди. Бинобарин, мазкур ғалабадан сўнг тўрт очко жамғарган Италия терма жамоаси ҳам чорак финалга йўлланма олди.

Шу ўринда гуруҳдаги иккинчи тур Италия—Руминия учрашувида руминлар бажара олманган пенальти беиктиёр ёдга тушади. Агар ўшанда руминлар гол урган бўлганларда ғалаба қозонган ҳолда тўрт очко билан сўнгги учрашувларнинг натижасидан қатъи назар кейинги босқичга чиққан бўлардилар. Бинобарин, футболда битта голининг баҳоси мана шундай жуда юқори бўлиши ҳам мумкин.

Бугун «В» гуруҳидан ўрин олган жамоалар баҳсида чорак финалнинг сўнгги иштирокчиси аниқланади. Яъни Россия—Швеция беллашувида голиб чиққан команда чемпионатдаги иштирокчини давом эттиради. Чорак финал учрашувлари эртдан бошланади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARGOHI» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини муносиви нишонлаш мақсадида мамлакатимиз пойтахтида тарихий ёдгорликлар ва қадим-жолар реконструкция қилинмоқда, янги иншоотлар қуриш ҳамда жойларни ободонлаштириш, шаҳар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилимоқда. «Ўзбектелеком» АКнинг TSHHT фирмаси ҳам ободонлаштириш ишларида иштирок этмоқда ва 232/233/236-АТСни янги жойга кўчириш учун тадбирлар режасини бажармоқда. Маълумотлар учун телефон: 232-01-85 «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARGOHI» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Уйингиздаги ўз телефонингиздан 058 рақамини терган ҳолда сиз ўз ҳисобингизда пул маблағларининг маъжудлиги ёки «Ўзбектелеком» компаниясининг TSHHT филиалдан қарздор эканлигингизни билиб олишингиз мумкин бўлади.

ҲУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАРИ!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир. Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш хар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш қассаларида ва почта бўлимларида амалга оширилади. Фақат умумий сазй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoshқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3246 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақониси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6